

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 7 октябрь, № 195 (4605)

Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УЛКАН ИМКОНИАТЛАРИГА ЭГА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс 5 октябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистонда Латвия билан муносабатларга алоҳида эътибор берилди. Рига ҳам Тошкент билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Бунда икки мамлакатнинг сиёсий соҳада кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлиги муҳим ўрин тутди.

Ислом Каримов хали совет тузуми парчаланмай туриб, Латвиянинг мустақиллик йўлидаги саъй-ҳаракатларини, бу мамлакат мустақилликка эришгач эса, унинг ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаганини алоҳида қайд этиш жоиз. Латвия 2004 йилнинг январидан НАТОга аъзо бўлганида Ўзбекистон раҳбари ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун ўз мудофаа доктринасини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга эканини таъкидлаган. Уша йилнинг май ойида Латвия Европа Иттифоқига аъзо бўлди ва бу Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланди.

Латвия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шерикларидандир. Мамлакатларимиз икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида транзит юк ташиш борасида ҳам ишончли ҳамкорлардир. Ўзбекистон ўз маҳсулотларини Фарб давлатларига Латвия бандаргоҳлари орқали экспорт қилади. ЕИ аъзоси сифатида Латвия халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрнини кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконига эга. Айни пайтда Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон Латвия учун бутун Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Икки мамлакат ўртасидаги сўнгги олий даражадаги учрашув 2004 йилнинг апрелида Ригада — Президент Ислом Каримовнинг Латвияга давлат ташрифи асносида бўлиб ўтган эди. Энди Латвия Президенти Ўзбекистонга келди. Бу ташриф ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда ҳар томонлама кенгайтиришга икки давлатнинг интилиши муштарак эканидан далолатдир.

Ташриф 6 октябрь куни Дўрмон қароргоҳида Латвия Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими билан бошланди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Валдис Затлерс фахрий қоровул сафи олдида ўтидилар. Шундан сўнг Президентларнинг яқма-яқма суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Валдис Затлерс Ўзбекистон — Латвия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар тобора



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

муносабатланиб бораётганини, ушбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалаларини аффоқлаш таҳлил қилиш ва муҳокама этиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

— Ўзаро алоқаларимиз узок тарихга эга, — деди Ислом Каримов. — Сизнинг юртимизга ташрифингиз Латвия томонининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштироки ва истак-хоҳишининг ёрқин намоёнидир.

Валдис Затлерс Ўзбекистонга тақдир этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Латвия томони ушбу ташрифта алоҳида аҳамият беришни қайд этди.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг нуфузли давлатларидандир, — деди Валдис Затлерс. — Мамлакатларимизни ҳар доим дўстона алоқалар бир-бирига яқинлаштириб келган.

Президентлар Тошкентдаги олий даражадаги учрашув ўзаро муносабат-

ларни янги босқичга кўтаришда муҳим босқич бўлишини, бу борада икки мамлакатда орттирилган бой тажриба ҳамкорликка янги суръат бахш этиш ва мазмунини бойитиш учун пухта асос бўлишини таъкидладилар.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Ислом Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмаганини, аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислохларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти НАТОнинг Будапешт саммитида илгари сурган таклифини яна бир қара баён этди: 1997-2001 йилларда БМТ кўмағида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида

НАТО ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+3» гуруҳига айлантириш зарур.

Валдис Затлерс Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масалалари борасидаги нуқтаи назари ва таклифларини юксак қадрлашини қайд этди.

Ислом Каримов ва Валдис Затлерс мулоқоти Ўзбекистон ва Латвия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирилди. Унда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўзаро ҳамкорлик ва шериклик алоқалари икки томонлама манфаатдорлик руҳида ривожлантиришга, бугунги музокаралар муносабатларимизга янги суръат бахш этишига қатъий ишонини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерснинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 6 октябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Латвия Сармоялар ва ривожланиш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, нефть-газ, авиасозлик, қурилиш, машина-созлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, геология, озиқ-овқат, кимё, энгил санаят, тўқимачилик, қўғоқ санаяти, мебелсозлик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фан-таълим, спорт ва маданият, сайёҳлик ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Латвиянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2007 йили ушбу кўрсаткич 123,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг етти ойида эса 187 миллион долларга етди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган ўн тўққиз қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, тўқимачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш соҳаларида кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган. Ўз навбатида, Латвияда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхона қўшма корхона иш юритмоқда. Улар, асосан, меҳмонхона, сўғурта ва транспорт-экспедиторлик бизнеси билан шуғулланиди.

Форумда Латвия ишбилармонларига мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, қўшма корхона, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик янги имкониятлар мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани ва унинг юксалиши жорий йилнинг биринчи ярмида 9,3 фоизни ташкил этгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож-

(Давоми 2-бетда).

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ — ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Тошкентда «Мураккаб тизимлардаги ноллинияти динамика ва физикада энг сўнгги ютуқлар: табиий фанлар ва хавфсизлик» мавзусида халқаро илмий конференция иш бошланди. Тадбир Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими томонидан НАТОнинг Илмий қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда 20 дан ортиқ мамлакатдан олимлар, шунингдек, халқаро илмий марказлардан мутахассислар иштирок этмоқда.

Конференция мураккаб тизимлар физикаси ва ноллинияти динамикасининг кам ўрганилган жиҳатлари, иқтисодиёт, экология, ижтимоий фанлар ва хавфсизлик масалаларини ҳал этишда ушбу соҳадаги ютуқларни қўллаш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланди.

Муаммоларини ҳал этишда унинг иштирокини кенгайтиришга доимий эътибор қаратаётгани тўғрисида ушбу соҳадаги тўбора юксалиб бормоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими директори, академик Пўлат Ҳабибуллаев тадбирни очар экан, мамлакатимиз катта илмий салоҳиятга эга эканини таъкидлади. Президент Ислом Каримов илм-фани ривожлантириш, жамиятимизнинг долзарб

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг жорий йил тўққиз ойидagi ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Тўққиз ой якунларига Бағишланди

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги топшириқларидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси соҳаларининг жорий йилнинг тўққиз ойи буйича фаолияти якунлари муҳокама қилинди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида таъбиқ этилиши ҳамда мамлакатимизда муаллифлик ва турдosh ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Хисобот даврида Комплекс ташкилот ва идоралари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали экспорт имкониятларини ошириш юзасидан муайян натижаларга эришилди. Маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, корхоналарни

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, метёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, молиявий ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида амалий ишлар олиб борилди.

2008 йилнинг ўтган даврида Комплекс буйича жами 1088,45 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 163,83 фоизни ташкил этди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 136,6 фоизга бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар буйича 143,12 миллион АҚШ доллари миқдорда тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл сармояси ўзлаштирилиб, бу борадаги 9 ойлик режа 120 фоизга удрланди.

Мажлисда Комплекс таркибидagi идораларда «Ешлар йили» Давлат дастури ва бошқа устувор дастурларнинг бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, галдаги вазифалар кўриб чиқилди. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация

(Давоми 2-бетда).

«JATA TRAVEL FAIR — 2008» ЯРМАРКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИ

Токио шаҳрида «JATA Travel Fair — 2008» халқаро сайёҳлик кўргазмаси ўз ичига олади. Япония сайёҳлик агентликлари ассоциацияси (JATA) томонидан ташкил этилган мазкур кўргазма ишида жаҳоннинг 136 мамлакатдан келган турли фирма ва компания вакиллари иштирок этди.

Кўргазма доирасида халқаро сайёҳлик анжумани ҳам ўтказилиб, унда дунёнинг 97 мамлакатдан 1150 нафар киши қатнашди.

Ушбу нуфузли халқаро тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва саноати форуми» жамғармаси, «Ўзбекистон» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, шунингдек, «Келажақ-Тур» ёшларнинг халқаро сайёҳлик ва ҳамкорлик бюроси, «OXIS Travel Ltd», «Sitora International» ва «Sairam Tourism» каби фирма ва компаниялар юртимизни намён этди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдими, шунингдек, «Янги Буюк Ипак йўли истиқболлари ва Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги сайёҳлик салоҳияти алмашуви» мавзусидаги семинар ташкил этилди.

Унда Япониянинг турли вазирлик ва идоралари, йирик сайёҳлик компаниялари ва

киллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, «JATA» президенти Косүкэ Шибата иштирок этди.

Эътироф

Меҳмонлар эътиборига Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий марказлари, диққатга сазовор жойлари, халқаро сайёҳлик имкониятларига доир маълумотлар тақдим этилди. Япониялик археолог, Буюк Ипак йўли халқаро академияси директори, профессор Кюдзо Катонинг «Ўзбекистондаги будда ёдгорликларининг сайёҳлик жозибадорлиги» ва таниқли суратчи Жюна Акинонинг «Ўзбекистон сайёҳлиги ва маданий мероси япон фоторассоми нигоҳида» мавзусидаги маърузалари иштирокчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

ЕНГИЛ АВТОМОБИЛАРИМИЗ КўПАЙМОҚДА



2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикаимизда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

8,8 фоизга ўсди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастурлари доирасида соҳада янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилгани тўғрисида шундай натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УЛКАН ИМКОНИАТЛАРИГА ЭГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Валдис Затлерс Латвия мамлакатимиз билан муносабатларга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Латвия ўзаро ишончли иқтисодий шериклардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамми 2007 йилда қарийб 50 фоиз юксалди. 2008 йилнинг январь-июль ойларида эса 187 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Латвия сармоядорлари билан шерикликда 19 қўшма корхона тузилган. Улар тўқимачилик, радиоалоқа воситалари, электроника маҳсулотлари ва мебель ишлаб чиқариш, машинасозлик, фармацевтика каби соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Латвияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан ҳамкорликда таъсис этилган қирққа яқин қўшма корхона бор.

Ишбилармонларнинг бевоқиф алоқаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2004 йилги Рига саммити асосида консултик конвенцияси имзоланган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Латвиянинг Парекс банки ўртасида тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум нафақат молия муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш, балки бизнес вакилларининг шериклигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Музокарада Ўзбекистон билан Латвиянинг иқтисодий муносабатларини икки мамлакатнинг имкониятларига мос даражада кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Савдо йўлари очиш, авиатransпортини кўпайтириш, транзит соҳасида ҳамкорлик шўлар жумласидандир. Масалан, Латвия билан Скандинавия мамлакатлари ўртасида фаол хаво транспорт катнови йўлга қўйилган. Шу маънода, Латвия Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё учун Скандинавияга яқин кўприк ва эфиднавия ўташи мумкин. Айни пайтда Ўзбекистон Скандина-

вия ўлкалари учун Осиёга робита бўлиб хизмат қилган бўлур эди.

Узаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар жуда кўп. Жумладан, Ўзбекистон пахта толасини Латвия тўқимачилик корхоналарига бевоқифа етказиб бериши мақсадага мувофиқдир. Бунинг учун Латвия бизнесини юртимизда ўтказиладиган пахта, тўқимачилик ярмаркаларига кенг жалб этиш лозим. Ҳамкорликда Ўзбекистонда фақат пахта эмас, балки ипак, поллиз экинлари ва мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш мумкин. Шу йўл билан Ўзбекистон ва Латвия бозорларини тайёр маҳсулотлар билан тўлдирши, айни пайтда Марказий Осиё ва Европа Иттиқоқи бозорларидаги ўрнини янада кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

Мамлакатларимиз ўртасида айирбош қилнаётган товарлар ва хизматлар рўйхатини тубдан қайта қўриб чиқиш, икки томонлама фойдали савдо учун преференциялар яратиш ҳам долзарб масалалардандир. Дейлик, Ўзбекистон шакар импортчиси саналади, конфет ва шokolad, денгиз маҳсулотларининг муайян қисмини четдан келтирилади. Латвия эса айни шу маҳсулотларни экспорт қилади. Демак, узаро мақбул нарх ва шартлар билан экспорт-импорт операцияларини кўпайтириш, шу билан бирга, Ўзбекистонда конфет ва шokolad ҳамда балиқ консервалари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар тузиш учун имконият бор.

Икки мамлакат иқтисодиёти бундан бир-бирини тўлдирувчи бундай жиҳатларга қўллаб-қувватлаш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда Марказий Осиёда ягона темир йўл транспорт воситаларини таъмирловчи корхона ишлаб чиқарилади. Латвияда эса локомтивлар, трамвайлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон томони Марказий Осиёдаги Латвияда ишлаб чиқарилган темир йўл транспортга сервис хизмати кўрсатиши

ни ўз зиммасига олиши мумкин.

Икки мамлакат ҳам автомобильсозлик соҳасида катта таърибага эга. Қундалик ҳаётда, халқаро савдода, сайёҳликда ва қўллаб бошқа соҳаларда транспорт воситаларининг аҳамияти кун сайин ортиб бораётган ҳозирги шароитда бу йўналишдаги ҳамкорлик икки мамлакат манфаатларига ҳам бирдай хизмат қилади. Логистика, қозғош, мебелсозлик, ахборот технологиялари, фармацевтика... Қўшма корхона тузиш икки томон учун ҳам фойдали бўлган соҳалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бу масалалар Валдис Затлерсга ҳамкорлик қилаётган Латвиялик ишбилармонларнинг йирик делегацияси билан Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон — Латвия бизнес-форумида ҳам атрафчида қўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Латвия адаблари, маданият ва санъат номаюндалари, академик доиралар ўртасида яқин муносабатлар қарор топган. Бу гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг 2004 йили Латвияга ташрифи асосида Риганинг энг сулиму гушларидан бири — Кронвольда боғида буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улугбек ҳайкали очилгани икки халқнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Латвия элида қад рoстлаган Мирзо Улугбек ҳайкали халқларимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлигининг ёрқин тимсолидир.

Ўзбекистон Банк-молия академияси билан Латвиянинг Олий банк мактаби ўртасида қабул қилинган ҳамкорлик тўғрисидаги битим узаро таъриба алмашиш ва малака ошириш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистоннинг Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри билан Латвия миллий операси ўртасида бевоқифа алоқа ўрнатилган. Музокарада гуманитар ҳам-

корликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистонда ҳам, Латвияда ҳам тарихий жойлар, қадимий обидлар, дам олиш масканлари кўп. Бу сайёҳликни ривожлантириш учун яқин имконият. Икки мамлакат туризм компаниялари яқин ҳамкорликда ишлаб, табиат қўйнида дам олишни истоганларга Ўзбекистонда тоғ, Латвияда денгиз сайёҳлигини тақлиф қилиши мумкин. Шунингдек, фармацевтика ва тиббий диагностика, ахборот коммуникациялари каби соҳаларда қўшма тадқиқотлар ўтказиш, кадрлар малакасини ошириш, таъриба алмашиш ўзаро фойдали бўлур эди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида факулдада вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда солиқ соҳасида қўшма маъмурий ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, таълим соҳасида ҳамкорлик, аккредитация соҳасида ҳамкорлик, стандартлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов ва Валдис Затлерс музокаралар самарали бўлгани ва дўстона руҳда ўтганини қайд этдилар. Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларнинг истиқболли порлоқ эканидан далолат беришини таъкидладилар. Қўрилган барча масалалар юзасидан фикр ва ёндашувлар яқин ва ўхшаш бўлгани маълум қилинди.

Узаро товар айирбошлаш ҳамжи жорий йилнинг дастлабки етти ойида бутун 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 50 фоиз ошди, — деди Ислам Каримов. — Бундай юқсалиш давом этади, дейиш учун барча асослар бор. Узаро муносабатларда савдо-иқтисодий

ҳамкорликка устувор аҳамият берамиз. Биз транспорт коммуникациялари, қайта ишлаш санюати, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа қўллаб соҳаларда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдик.

Ушбу ташрифдан қўзланган асосий мақсад Латвия — Ўзбекистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат, — деди Валдис Затлерс. — Биз икки томонлама алоқаларнинг истиқболли порлоқ ва ҳамкорликнинг икки томон учун ҳам манфаатли бўлишига қатъий ишонамиз.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Латвия Республикасининг олий давлат мукофоти — «Уч юлдуз» орденини топширди.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерсга Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди. Шу кун Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ҳамкорлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон истиқлолини ва порлоқ келажагини рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Латвия раҳбари Президент Ислам Каримов раҳбарлигида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ушбу майдонни мустақилликнинггинагина, унга ҳуррият руҳини бағишлаганини таъкидлади. Валдис Затлерс Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди. Меҳмон мамлакатимизнинг икки палата парламенти фаолияти билан танишди.

Латвия Президенти Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспонатлари билан танишди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди, Олой бозорига бўлди.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерснинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишди.

Латвия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрайди, — деди Валдис Затлерс. — Мамлакатларимиз ўртасида узоқ йиллар давомида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Биз Ўзбекистон бозорини ўзимиз учун истиқболли деб биламиз. Ишончим комилки, бугунги мулоқотлар икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бизнес-форумда, унинг секцияларидаги мажлисларида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиги, жумладан, транспорт ва логистика, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, санюат, сайёҳлик, озиқ-овқат, энгил ва мебелсозлик санюати соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Латвия фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Латвия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик қўлағини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Латвиянинг кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд, — деди Латвия Сармоялар ва ривожланиш агентлиги директори Андрис Озолс. — Икки томонлама фойда келтирувчи бу жарайн мамлакатларимиз ишбилармонларнинг тўғридан-тўғри амалий мулоқотлари кенгайтиришдан манфаатдорлигига асосланади. Тарихан Латвия ҳам, Ўзбекистон ҳам халқаро савдо йўллари чорраҳасида жойлашган ва бу омидан бугунги кунда ҳам савдонинг ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда яратилган қўлай сармоявий муҳит бу жарайни ривожлантиришга хизмат қилади.

Анжуманда Латвиянинг катор йирик компанияларидан икки юзга яқин вакил иштирок этганининг ўзиёқ ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қизиқиши нечоғли катта эканидан далолатдир.

Ирода УМАРОВА, Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯҚУНЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ахборот хавфсизлигини таъминлаш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини қўпайтириш, сониини ва сифатини ошириш ҳамда қишлоқ жойларида замонвий ахборот-коммуникация технологиялари хизматларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида олиб бoриладиган ишлар таҳлил этилиб, келгусида бу йўналишда меъерий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга, амалдаги қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лoзимлиги таъкидланди. Бу борада мавжуд қамчилик ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдига бир қатор вазифалар қўйилди.

Махлусида ижро интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ҳодимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

хизмат қилиши, шубҳасиз, — деди Т. Касахара. — Биргалликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида Ўзбекистон авиакомпанияси йўналишларида япониялик йўловчилар оқимининг янада қўпайишига ишонаман.

Буюк Ипак йўли халқаро академияси директори Кюдзо Като:

— Мен семинар ишида иштирок этиб, японияликлар орасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига

бўлган қизиқиши тобора ўсиб бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ушбу анжуман натижалари янгида самарали бўлди, деб ҳисоблайман.

Мен ўз маърузамда Ўзбекистон замнинда сайёҳлар ва тадқиқотчилар учун катта қизиқиш уйғотадиган қўллаб-қувватловчи ёрдамчиликлар мавжудлигини таъкидладим. Дийрингизда япониялик сайёҳларни ҳамма оқинқўнгилик билан қўпи олишларини жуда яқин биланам. Бинобарин, ўзбек халқига хос меҳмондўстлик ва самимийлик, бу ерда тайёрландирилган бир-бириндан мазаини миллий таомлар хар қандай сайёҳда унутилмас таассурот қолдиради.

«Жаҳон» АА, Токио

Дил сўзи

Президентимиз Хоразм вилоятига сафари чоғида таъкидлаганидек, бу воқеа деҳқонлари истиқлолнинг дастлабки йилларида биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатини бошлаб берган эди.

ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Натижада барча жойларда бўлгани каби Хоразмда ҳам қўлга киритилган йўллар салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётди. Бу, албатта, юртимизда фермерларга ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг берилгани, уларнинг энгил-эркин ишлашларига кенг имкониятлар яратилганига самарасидир.

Биз жорий йилда 204 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. 30 гектар бугундoрдан гектар ҳисобига 50 центнердан сарф дoн йилгиштириб олдик. Хозирда 126,5 гектар майдондаги пахта ҳосилини жадал йилгиб-териб олаёламиз. Бундан ташқари, 28 гектарлик боғимиз, 350 дoна паррандасини ва 10 бош қoramолимиз бор. Бугун-эрта давлатга пахта сотиш режасини ўзгалтирдим. Умумий даромади 250 млн. сўлмага етказишни мўлжаллаб турибмиз. Шунинг хисобига 10 тадан ортик техникамизга янги-янгиларни қўшамиз, зoтлик қoramоллар сотиб оламиз. Ҳўжалигимизда меҳнат қилаётган 62 нафар киши ҳам, табиийки, олинган даромаддан баҳраманд бўлади.

Ушбу ҳафтада Президентимиз фермер ҳўжалигимизда бўлиб, дала ишлари билан танишди. Бундан бошимиз осмонга етди.

Сўнбат асосида шунга амин бўлдикки, Юртобoшимиз бизнинг бугунги ҳoл-аҳволимизни, ютуқ ва камчиликларимизни, умуман, деҳқончиликни жуда яқин биладилар. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг зарур техникани харид қилиш, етарлики ишчи кўчаларини жалб этиш, мўл ҳосил олиш учун агротехника тадбирларини тўлиқ бажариш, тўпрок умумдорлигини мунтазам ошириб бoришда имкониятини чеклаган киши фермер ҳўжалиқларини бирлаштириш зарурлиги ҳақида билдирган фикрлари бизга жуда маъқул бўлди. Дарҳақиқат, шундай йўл тутиш, фермерларнинг имкониятларини янада кенгайтириб, иқтисодиёти тобора мустаҳкамланади.

Энг муҳимини, юртимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорлик ҳукмoр. Бу ҳалқимизни бундoрликка, эзгу ишларга дaъват этмоқда.

Биз, фермерлар эса бундан бoён ҳам Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашга, эл-юрт равшани йўлида гайрат-шижоат билан ишлашга ҳаракат қилаверамиз.

Шорифбой РАЖАБОВ, Боғот туманидаги «Боғот» фермер ҳўжалиғини раҳбари, «Шухрат» медали соҳибини.

Интилиш



Жорий йил бошида ишга туширилган мазкур корхонада ҳажми турли диаметрдаги пластмасса қурувлар ишлаб чиқариши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, 28 гектарлик боғимиз, 350 дoна паррандасини ва 10 бош қoramолимиз бор. Бугун-эрта давлатга пахта сотиш режасини ўзгалтирдим. Умумий даромади 250 млн. сўлмага етказишни мўлжаллаб турибмиз. Шунинг хисобига 10 тадан ортик техникамизга янги-янгиларни қўшамиз, зoтлик қoramоллар сотиб оламиз. Ҳўжалигимизда меҳнат қилаётган 62 нафар киши ҳам, табиийки, олинган даромаддан баҳраманд бўлади.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

ХОРИЖДА ҲАМ МИЖОЗЛАРИ КЎП

Мамлакатимизда санюат корхоналари тобора ривожланиб, уларнинг ишлаб чиқариш қўлағини ва турлари кенгайиб бoрмоқда. «Жиззахпластмасса» очик акциядорлик жамияти фаолияти бунинг энг яқин далилидир.

Жорий йил бошида ишга туширилган мазкур корхонада ҳажми турли диаметрдаги пластмасса қурувлар ишлаб чиқариши йўлга қўйилган. Бу ерда бир кеча-кундузда камидан 12 тонна миқдордаги катта-кичик қурувлар тайёрланмоқда. Ва бу маҳсулотларга Ватанимиз ҳамда хорижий давлатларда эътиҳэ катта. Буюртмачилар ҳам тобора қўпаймоқда. Корхонанинг истиқболли ишончли ва порлоқ.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.



ИЛМ-ФАН РИВОЖИ — ЖАМИЯТ ФАРАВОНЛИГИ УЧУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва ахборот алмашишга хизмат қилади. Бу эса илмий тадқиқотлар сифатини ошириш ҳамда қўлағини кенгайтиришга қўмақлашади.

Сўнгги йилларда мураккаб тизимлар физикаси ва нолинейли динамика аввалгидек турли илмий йўналишлар бўлмай, балки фанлараро хусусият касб этган ҳолда, турли соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Чунки, бу борадаги тадқиқотлар натижаларидан бугунги кунда сейсмология, эпидемиология, тиббиёт, экология ва молия соҳаларида фойдаланилмоқда.

Ишлаб чиқилган услублар иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, шунингдек, турли ҳил теҳноген ва табиий фалокатларини, эпидемиялар пайдо бўлишини олдинида айтиб бериш учун қўлланилмоқда. Бу уларнинг олдини олиш ёки оқибатларини энгиллаштириш имконини беради.

Нанотехнология ва нанотехнологияларни ривожлантиришда илмий ютуқлардан фойдаланиш конференциянинг асосий мавзуларидан биридир. Унинг иштирокчилари наноҳажми таълимларда жараёнларни

манипуляция қилиш, квантли компьютер каби майда янги қурилмалар ҳамда объектларни яратишнинг самарали услубларини ишлаб чиқариш муаммоларини қўриб чиқади. Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Садулла Луттуллаев, Вена технологиялар университетининг Назарий физика институти профессори Йозхим Бургдёрфер (Австрия), Макс Планк номидаги институти профессори Тео Гаузел (Германия) ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Ўзбекистон илм-фани бутун дунёда катта оёру-эътиборга эга эканлиги қайд этилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими ҳодимлари йирик ҳамда илмий лойиҳаларни амалга оширишда мунтазам иштирок этадигани, бошқа мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари лабораторияларида қўшма тадқиқотлар ўтказабтгани ҳам бундан далолат беради.

Ўз навбатида, мамлакатларимизга уларнинг хорижий келмаслари малака ошириш учун келмоқда. Бу йил Иссиқлик физикаси бўлими олимлари қатор янги халқаро грантларни қўлга киритди. Шуниси

кувонарлики, бу ерда истиқболли тадқиқотларга талаба ёшлар ҳам жалб қилинмоқда. Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, бу ёш олимларнинг ёқодий фикрлашини ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда илм-фанини ривожлантириш давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани, энг илғор тадқиқотларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилганига ишонч ҳосил қилдим. — деди Буюк Британия Кируллик жамиятининг физика бўлими раҳбари Майкл Берри. — Бу эса, ўз навбатида, мамлакатингиз салоҳиятини янада ривожлантиришнинг қаролати ҳисобланади.

Бир ҳафта давом этадиган ушбу конференция давомида турли мамлакатлар олимлари ўзароининг энг сўнгги ютуқлари ҳақида ахборот алмашди, ҳамкорликни ривожлантириш, нанофизика, совуқ атомлар физикаси, квант информатикаси, биофизика, назарий изланишлар натижалари асосида моделлаштириш ва прогно қилиш ҳамда физика фанининг бошқа жаҳаларида қўшма тадқиқотларни ташкил этиш йўллари белгилайди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар чоғида Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, меъморий ёдгорликларни қайта таъмирлаш ва ободонлаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган диққатга сазовор тарихий жойлар ҳақида атрофчида хўжоя қилинди.

Ўзбекистон билан Япония сайёҳлик компаниялари ҳамда агентликлари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш икки халқнинг дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Япония ердан фойдаланиш, инфратузилмалар, транспорт ва сайёҳлик вазирлигининг туризм бўйича департаменти бош директори Уринбосари Набору Нишитака тадбир ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртақлашиб, жумладан, шундай деди: «Бугун биз Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, жаҳон аҳамиятига моллик бой тарихий ва маданий мероси билан яқиндан

(Давоми. Боши 1-бетда).

танишиш имкониятига эга бўлди. Бўлиб ўтган анжуман Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ҳақида янада кўпроқ билиб олиш ва халқингиз тарихи ҳамда маданияти билан яқинроқ танишиш, шунингдек, бетақорор юртин-

«JATA TRAVEL FAIR — 2008» ЯРМАРКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИ

гизга сафар қилиш истагида бўлган японияликлар сонининг ортитишига хизмат қилади.

«PROCO Air Service» компанияси раҳбари Т. Касахара:

— Ўзбекистон ҳақидаги бундай нуфузли семинарда иштирок этиш имконияти яратилганидан жуда хурсандман. Бизнинг компаниямиз «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг чипталари сотуви билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистонлик шериклар билан семинар ва мулоқотларда иштирок этиш ҳамкорлигининг янада юксалтиришга ҳамда юртингиздаги халқаро сайёҳликни ривожлантириш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишга

ЖАҲОН

24 соат ичида


Энг баланд минора

«Nakheel» компанияси Дубай шаҳрида дунёдаги энг баланд минора қурмоқчи, дея ёзади «The Daily Telegraph» газетаси. Унга кўра, янги иншоот беш юз метрдан юқори бўлади. Қурилиш ишлари ўн йил муддатда якунланади.

Компания вакилларининг айтишича, мазкур минора икки юз қаватдан иборат бўлиб, у ерда 55 мингдан ортиқ кишига мўлжалланган хонадонлар ва 45 минг ходим фаолият кўрсатадиган иш жойлари ўрин олади.

Ноёб топилма

Огайо университети (Ohio State University) тадқиқотчилари жонли мавжудотларга тегишли қадимий изларни топилди.



Бу ҳақда университетнинг интернетдаги саҳифасида хабар берилди. Экспертларнинг хулосасига кўра, мазкур то-

пилма 570 миллион йиллик тарихга эга. Шу пайтгача худди шундай топилмаларга Канада ва Хитой худудларида ҳам дуч келинган эди. Мутахассислар уларнинг тарихи 520 ва 540 миллион йилга тенг, деб ҳисоблашган.

Энди Огайо университети олимлари томонидан Невада штати худудидан топилган бу излар энг қадимий дея эътироф этилмоқда.

Хунрезлик оқибати


Шри-Ланканинг марказий шаҳарларидан бири — Анурадхпурда теракт содир этилди. Бу ҳақда «Рейтер» ахборот агентлиги маълум қилди.

Хунрезлик оқибатида 22 киши ҳалок бўлганиги айтилмоқда. Маҳаллий полиция вакилларининг сўзларига қараганда, одам гавҳум жойда камжақдзенинг ўзини портлатиб юбориши юқоридagi фожиани келтириб чиқарган.

Сифатсиз дори-дармонлар

Бельгия божхона хизмати ходимлари мамлакат худудидан ноқонуний йўл билан олиб ўтилмоқчи бўлган катта миқдордаги сифатсиз дори-дармонларни қўлга туширди.

Мазкур тиббий воситаларга Германия ҳамда Швейцария мамлакатларидаги фармацевтика корхоналари тамғаси босилган бўлса-да, улар аслида Хиндистоннинг Мумбай шаҳрида ишлаб чиқарилган экан. Дори-дармонлари Африка қитъасига етказилиши кўзда тутилган.



Мутахассислар Европада ҳозиргача бундай йирик миқдордаги сифатсиз тиббий воситалар қўлга олинмаганини таъкидлаб ўтишди.

Сув ҳавзалари зарарланган

Америка қитъасининг бир қатор мамлакатларида кўплаб талафотларга сабаб бўлган «Айк» түфони Мексика кўрғазидagi сув ҳавзаларига ҳам жиддий зиён еказганлиги маълум қилинди.



Американинг минерал захирадан фойдаланиши назорат қилиш (Minerals Management Service) ташкилотининг хабар қилишича, табиий офат оқибатида Мексика кўрғазидagi 3800 та нефть платформасидан 500 таси вайрон бўлган.

Ушбу түфондан Техас штатидаги Гугт оролларида жойлашган «St. Mary Land and Exploration» компанияси энг кўп зарар кўрган. Унинг тўққиз тонналик саккизта идиши сувга фарқ бўлган. Экспертларнинг хулосасига кўра, табиий офат түфайли 1700 тонна нефть сувга тўкилган.

Касаллик давоси топиладими?

Буюк Британиянинг Оксфорд университети профессорси Валери Берал саратон хасталигига қарши изланишлар олиб бораётган етакчи мутахассислардан бири саналади.

«The Guardian» газетасининг ёзишича, олим кўрак саратонига сабаб бўлувчи барча омиллари аниқлашга муваффақ бўлган. Энди унинг Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ООО "CHIRSHIQ TEPLO SYSTEM" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHTS

ҚОЗОНЛАРИ

Хавфсиз автоматика билан таъминланган МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ

Табиий газ, суяқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди

Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 259.
Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87.
E-mail: chts.uz@mail.ru

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ, КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА

(унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

СОЛИҚ ТЎЛАШ МАДАНИЯТИ

Солиқ тизими ходимлари зиммасидаги асосий вазифа, энг аввало, солиқ қонунчилиги ижросини бажариш, соҳага оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ва бюджет тушумларини тўлалигича таъминлашдан иборат.

Фаолиятимизда солиқ тўловчилар билан ишлаш, яъни тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари биринчи ўринда туради. Бу табиий ҳол. Чунки, соҳага оид қонунлар кишилар онгига қанча кўпроқ сингдирилса, улар ижроси шунча энгил кўчади. Мана, масалан, Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш бора-сидаги ишларни олайлик.

Мушоҳада

Маълумки, нақд пул билан ишлайдиган субъектларда назорат касса машиналари мавжуд бўлиши шарт қилиб қўйилган. Тўри, аксарият савдо дўконлари, хизмат шохобчаларида бундай ускуналар савлат тўкиб турибди. Лекин, бу машиналардан ҳамма жойда тўри фойдаланилаётгани, аниқроқ айтишда, айни кунда тадбиркорликнинг омий турига айланган аҳолига транспорт хизмати соҳасини олайлик. Тегишли идоралар билан ўтказилган қўша рейдлар натижасида 143 та юк, 373 та йўловчи ташиш билан шуғулланаётган фуқароларнинг тегишли ҳужжатлари йўқлиги мазкур жабҳада тушунтириш ва назорат тадбирларини янада кенгайтириш лозимлигини кўрсатди.

Маълумки, фаолиятнинг ҳар қандай тури солиққа тортилади ва у ихтиёрий равишда тўланиши лозим. Ҳўш, буни ҳамма бирдай тушуниб етатишми? Узок йиллик кузатишлар натижасида шундай хулосага келдим: солиқ тўловчиларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси, қонунларни ҳурмат қилмайдиган, ҳалол яшаб, ҳалол ишлайдиган ва тўловларни белгиланган муддатда амалга оширадиган. Иккинчи тоифадагилар эса қаерга қанча солиқ тўлашни билмайдиган кишилар. Учинчиси, солиқдан бош тортадиган ва ўз ҳамёнларини ўйлаб, даромадини яширадиганлар. Қўриқиб турибдики, иккинчи тоифадагиларни тушунтириш ишлари билан кенгроқ қамраб олишимиз, кейинги тоифадагиларни эса қатъий назоратга олишимизга тўри келади. Ишни айни талабдан келиб чиқиб ташкил этаётганимиз дуруст самара берадими. Масалан, вилоятда нақд пул тушуми жорий йилнинг етти ойида ўтган йил шу даврига нисбатан 1,2 баробарга ошди.

Мушоҳада

Алишер БОЙХОЖОНОВ, Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Кўрғазма

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида ёш ижодкорларнинг «Орзуимдаги шаҳар» номли кўрғазмаси бўлиб ўтди.

«Орзуимдаги шаҳар»

Унда республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиларининг ижод намуналари намойиш этилди.

Кўрғазма ёш расомлар ижодий интилишларини кўллаб-қувватлаш, уларнинг санъатга қизиқишини янада кучайтириш мақсадида ташкиллаштирилган. Хусусан, ёш расом В.Орликнинг «Дугоналар», Ф.Юсуповнинг «Муъжизавий шаҳар», Ф.Бердиевнинг «Ёш оила», Д.Алимардоновнинг «Тўй» номли картиналари муҳлисларда катта таассурот кўлдурди.

— Кўрғазмада «Ёшлик» номли асарим билан катнашдим, — дейди А.Ортиқов. — Намойишга ташриф буюрган макрратли санъат усталарининг ижодимизга берган баҳолари, ўғит ва маслаҳатларидан ўзимиз учун хулоса чиқардик.

Жавлон ЭЛМУРОВОВ.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

наҳрлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2008 йил 11 ноябрь кuni соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судининг 2007 йил 17 декабрдаги 1498н-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 97-уйда жойлашган «Урганч йўловчи ташиш» ОАЖга тегишли бўлган, умумий ер майдони — 3201,18 кв.метрни, ташкил қилган ошхона, ҳожатхона бинолари, захира сув сақлаш резервуари урнатилган идишлар ва асфальт майдони.

Бошланғич баҳоси — 52 925 000 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 28 октябрь кuni соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига қуйидаги мулклар қайта қўйилмоқда:

- Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 29 майдаги 1966-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли бўлган Урганч шаҳри, И.Досов кўчасида жойлашган 1-сон ишлаб чиқариш филиали худудидagi, сийикат гишдан қурилган журилиш ости ер майдони — 489,36 кв.метрни ташкил қилган 3 қаватли мазмурий бино ва қозонхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 339 000 000 сўм.
- Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2008 йил 30 июндаги 706-сонли ижро варақасига асосан, Шовот тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Шовот тумани, Туркистон кўчасида жойлашган «Адолат» фермер ҳўжалигига қарашли бўлган умумий ер майдони — 876,29 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони — 476,39 кв.метрни ташкил қилган дўкон биноси ва бостирмаси.
- Бошланғич баҳоси — 78 440 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиали, МҒО: 00580, ИНН: 200933850. Лицензия: ДВ 001 №0000004.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63, факс: 226-43-64.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ

Россия Федерациясида қонуний асосда меҳнат қилиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишининг амалдаги тартиб-қоидаларига мувофиқ, шартнома асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича ишга жойлашишда кўмаклашади:

- электр-пайвандчи;
- электр-механик;
- пайвандчи;
- бўёқчи;
- гишт терувчи;
- сувоқчи;
- кафеель терувчи;
- плиткачи;
- тикувчи;
- оддий ишчи;
- юк ташувчи;
- экскаваторчи;
- бульдозерчи;
- ҳайдовчи;
- тоғ-кон ишчилари

ва бошқа барча мутахассисликлар.

Ойлик иш ҳақи — 650 000 сўмдан 1 100 000 сўмгача (12 000 — 20 000 рубль).

Ишчилар:

- ✓ 3 маҳал иссиқ овқат;
- ✓ бепул ётоқхона;
- ✓ ишлаш ҳуқуқини берувчи руҳсатнома;
- ✓ тиббий сугурта билан таъминланиш имкониятлари мавжуд.

Мутахассислар қуйидаги талаблар бўйича қабул қилинади:

- ёши — 20 дан 45 гача;
- мутахассислик бўйича иш малакасига эга бўлиши;
- рус тилини сўзлашув даражасида билиши керак.

Қуйидаги ҳужжатлар йиғма жилдда тақдим этилиши лозим:

- паспорт асли ва 5 та нусхаси;
- ҳарбий гувоҳнома асли ва 2 та нусхаси;
- мутахассислик ёки соҳа бўйича билимини тасдиқловчи сертификат (диплом) асли ва 2 та нусхаси;
- меҳнат дафтarchаси асли ва барча бетлардан 2 та нусхаси;
- 3x4 ҳажмдаги 6 та фотосурат (конвертда);
- ОИТС (СПИД) марказидан маълумотнома;
- ота-онаси ёки умр йўлдошининг розилик хати;
- маҳалла кўмитасидан тасвирнома;
- маҳаллий ички ишлар идораларидан фуқарони республика худудидан ташқарига чиқишига монелик (масалан, жиноий иш очилган ёки қидирув) ҳоллари йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-21-55, 150-21-56, 150-21-57.

Ҳужжат ва аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Қоратош» кўчаси, 44-уй. Мўлжал: «Хадра» майдони, «SAMSUNG» ёзуви, «BRAVO» мебеллар дўкони орқасида.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақроран, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 3 сентябрда тақдим қилинган, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2008 йил 15 августдаги 10-0817/7135 (17), 10-0817/7136 (17) ва 2008 йил 19 августдаги 10-0805/7174, 10-0810/7124-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Юнусобод тумани, Амир Темури кўчаси, 60-«А» уйда жойлашган, «Ўзбек-қишлоқсавдо» МЧЖга тегишли 1974 йилда қурилган, майдони 12004 кв.м. бўлган, А. Б. В. блоклардан иборат «Кооператорлар уйи» биноси мол-мулкларини билан бирга жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 6 270 185 030 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 21 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мол-мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МҒО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52, www.rkmb.uz

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШ БОШҚАРМАСИ

2008 йил учун ҳайвонларнинг қуйидаги касалликларининг олдини олишга ишлатиладиган ветеринария препаратлари ва лаборатория диагностикаларини сотиб олишга 2008 йилнинг 7 ноябрь кuniга танлов эълон қилади:

1. Қўйлар чечаги
2. Яшур (А,О,Осиё-1 типи)
3. Бруцеллез
4. Куйдирги
5. Қутириш
6. Итлар цестодози
7. Эктопаразитларга қарши восита (Ку-лихорадка)
8. Лаборатория диагностикалари.

Товар амалдаги ветеринария қонунчилиги талабларига жавоб берган ҳолда шартнома имзолангач, 40 кун ичида етказиб берилиши талаб этилади.

Тендерга қатнашиш учун таклифлар 2008 йил 7 ноябрь соат 10.00 гача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21-«А» уй. Мурожат учун телефонлар: 276-91-51, 276-90-85.

MDIS in Tashkent Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

2008-2009 ўқув йили учун абитуриентларни кўп босқичли ИНГЛИЗ ТИЛИ ва IELTS тизими бўйича академик инглиз тили ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА таклиф қилади.



Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

100027, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 28.

Тел.: 276-90-94, 276-92-39.

Омадли келажакка биз билан зришинг!

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 300 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмакс, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-н 14, д. 6
Товар сертифицирован (ор-р - перекресток «Шуурат»)

